



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 49  
(967)  
2025 йил  
4 декабрь,  
Пайшанба



## Фуқаролик жамияти институтлари:

## ФАОЛЛИК, ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ



### «ИНСОН- ЖАМИЯТ- ДАВЛАТ»

Конституция Мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезонидир. Маълумки, ҳар бир давлатнинг шаклланишида Конституциянинг ўрни бекиёсдир. Бош Қомусимиз миллатимиз руҳига, ҳаёт тарзи ва урф-одатларига мос келадиган имон-этикод, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатларни ўз ичига олган десак асло муболаға бўлмайди.

4 ►



### ЯНГИ ҚЎМИТАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

“ Демак, Президентимиз ташаббуси билан Экология қўмитаси беҳудага ташкил этилмаган. Бу идоранинг зиммасига жуда қийин ва шарафли вазифалар юкланган. ”

5 ►

## ХАЛҚЧИЛ БОШҚАРУВ

Давлат бошқарувини халқ манфаатларига хизмат қилувчи, фаол ва самарали механизмга айлантириш мамлакатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид Давлат дастури

доирасида қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар манфаатларига хизмат қиладиган очиқ ва самарали давлат бошқарувини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат дастури ижроси доирасида мамлакатимизда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида,

давлатимизда очиқликни таъминлаш, халқнинг таклиф ва фикрларини олиш, манфаатларини ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларда намоён бўлмоқда. Хусусан, бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини тартибга солишчи қонунчиликка муҳим ўзгартиришлар киритилди.

3 ►





# Фуқаролик жамияти институтлари:

## ФАОЛЛИК, ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши билан сўнгги йилларда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.



Президентимизнинг 2021 йил 4 мартдаги “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Маълумки давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони фуқаролик жамияти институтлари учун жуда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Фармонга мувофиқ, ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти

ҳафталиги”ни ўтказиш белгиланган. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлаш, давлат ва жамия-

**Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қайта ташкил этилди. Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Олий Мажлис Сенатининг 8 нафар аъзоси ва Қонунчилик палатасининг 8 нафар депутатидан иборат Парламент комиссияси иш бошлади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ташаббус ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.**

ят ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоатчилик назорати, уларнинг имкониятларини кенгайтириш учун муҳим ҳуқуқий ва ташкилий асос яратди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 1 де-

кабрь куни ёшлар ижод саройида ҳафталикнинг очилиш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар мутасаддилари, ННТлар масъулари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг очиқ-ошкора ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизими жорий этилди. Шунингдек, ижтимоий фойдали лойиҳалар самарадорлигини ошириш мақсадида, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қайта ташкил этилди. Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Олий Мажлис Сенатининг 8 нафар аъзоси ва Қонунчилик па-

янги тизими яратилди.

Хусусан, жорий йилдан бошлаб, Парламент комиссияси аъзолари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда аҳоли билан учрашувлар ташкил этган ҳолда ижтимоий соҳа ва маҳаллалардаги аниқ муаммоларни ўрганиб, уларни манзилли ҳамда самарали ҳал этишга қаратилган давлат гранти ва ижтимоий буюртма танловларини эълон қилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат грантлари ва субсидиялар ажратиш жараёнларини шаффоф электрон платформа орқали амалга ошириш тизими жорий этилди.

Фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш мақсадида “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони бериладиган бўлди. Ҳар икки йилда бир марта фонд томонидан тақдирланадиган “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофоти жорий этилди.

“Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш ва унинг ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ана шундай мулоқотлар доирасида бугунги кундаги муҳим мавзулар — энергетика, сув ва экология масалалари ҳам кўтарилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ННТлар, халқаро ташкилотлар масъул ходимлари қатнашди.

**Дилбар МАҲМУДОВА,**  
«Жамият» мухбири.





## ХАЛҚЧИЛ БОШҚАРУВ

Хусусан, «Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (10.04.2025 йил. ЎРҚ-1054-сон) билан қонун лойиҳаларини парламентга тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Унга асосан ҳар бир қонун лойиҳаси парламентга киритилишидан олдин ҳуқуқий экспертиза, коррупцияга қарши экспертиза ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши шарт қилиб белгиланди. Бу талабнинг киритилиши қонунларнинг сифати ва халқ манфаатларига мослигини таъминлаш учун муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, қонунчилик ташаббуси билан чиқувчи субъектларга янги ҳуқуқ берилди. Улар ўзи таклиф қилган қонун лойиҳасини, заруратга кўра, парламентда иккинчи ўқишга қадар чақириб олиш имкониятига эга бўлишди. Бу орқали қонун ижодкорлигидаги эҳтимолий хато ва камчиликларни ўз вақтида тўғирлаш имконияти яратилди. Натижада, қабул қилинаётган қонунлар янада пухта ва аҳолининг реал талабларига мос бўлади.

Энг муҳим жиҳатлардан бири — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишидан аввал жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш талаб қилинади. Бу фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олиш орқали қабул қилинаётган қонунларни аҳолининг эҳтиёжларига янада мослашувчан бўлишига хизмат қилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан қонунчилик палатасининг регламенти ҳам такомиллаштирилган. Қонун лойиҳаларида кўрсатилган ҳаволаки нормаларнинг амалга оширилиш муддатлари ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилади, бу эса қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, қабул қилинган

қонунларнинг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш тартиби ҳам жорий этилмоқда. Бу орқали қонунларнинг амалий ижроси, уларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсири доимий мониторинг қилинади ва зарурат туғилганда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 7 та вазирлик ва идораларнинг қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, экология, қурилиш каби соҳалардаги сертификатлаш, аккредитация, техник ва соҳавий назорат, турли соҳалардаги махсус хизматлар кўрсатиш сингари 11 та давлат функцияси хусусий секторга ўтказилиши белгиланди.

Масалан, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги Ўзбекистон миллий метрология институти зиммасида бўлган ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш хизматини олайлик. Маълумки, сув, электр, табиий газ ҳисоблагичлари белгиланган тартибда вақти-вақти билан қиёслашдан ўтказиб турилади. Бугун аҳоли сонининг ортаётгани сабабли айни шу ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказишга бўлган мурожаатларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Президент қарорига асосан бу жараён эндиликда соддалаштирилмоқда. Фуқаролар фақат жиҳозларни қиёслашдан ўтказиш учун фақат давлат органига эмас, балки ўз яшаш жойига яқин бўлган, ушбу хизматни кўрсатувчи тегишли тартибда аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектлари, хусусий ташкилотларга ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бу аввало, масофанинг, аҳоли ортиқча йўл харажатларининг ва энг муҳими, ортиқча вақт сарфланишининг олдини олади. Қолаверса, хизмат бозорига тадбиркорлик субъектлари жалб этилгани улар ўртасида соф рақобатни кучайтиради. Албатта бу жараёнда хизмат сифати ҳам янада ошади.

Шу билан бирга, Техник жиҳат-

дан тартибга солиш агентлиги тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи эмас, балки стандартлар, техник талаблар, аккредитация ва назорат учун масъул тузилма сифатида фаолият юритади, бу эса ҳисоблагичларнинг қиёслашдан тўғри, аниқ ва адолатли ўтказилиши устидан назоратни кучайтиради.

Ушбу ислохотлар мамлакатда давлат бошқарувини янгилаш ме-зонлар асосида такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда хусусий секторнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва фаоллигини кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусий секторнинг тўплаган тажрибаси ва инновацион ёндашувларидан фойдаланиш орқали бозорда рақобатбардош хизматлар тизими вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолига тақдим этилаётган хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини оширади, шу билан бирга, давлат бюджетидан молиявий юкни камайтириш орқали ресурсларни бошқа устувор йўналишларга қаратиш имкониятини беради.

Мазкур ислохотлар давлат хизматларини кўрсатишда шаффофлик ва самарадорликни янада оширишга хизмат қилади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида замонавий агротехнологияларни жорий этиш, қурилиш соҳасида энергия тежамкор усуллардан фойдаланиш, таълим тизимида рақамли платформалардан кенг қўламда фойдаланиш орқали тегишли тармоқларнинг ривожланишига туртки берилади. Шу билан бирга, давлат томонидан самарали назорат механизмлари йўлга қўйилиб, тендер жараёнлари очик ва ошқора ташкил этилади, бу эса хусусий сектор фаолиятининг қонунийлик ва адолат тамойиллари асосида амалга оширилиши таъминлайди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши томонидан Кенгаш сўровини, маҳаллий Кенгаш депутати томонидан депутат сўровини юбориш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор маҳаллий давлат бошқаруви тизимида назорат ва ҳисобдорлик

механизмларини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлардан биридир. Аввало, бу ҳужжат маҳаллий Кенгашларнинг, яъни, халқ вакилларининг амалдаги қонунлар ва дастурлар ижросини бевосита назорат қилиш имкониятини кенгайтиради. Эндиликда «E-kengash» портали орқали электрон тартибда юбориш тизими жорий этилиши жараёнининг тезкорлигини, шаффофлигини ва изчиллигини таъминлайди. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг 10 кун ичида ёзма жавоб бериш мажбурияти уларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Жавобларнинг Кенгаш сессияларида ёки доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилиниши эса ижтимоий масалаларга очик ёндашувни, жамоатчилик иштирокида баҳолашни йўлга қўяди. Бу қарорнинг қабул қилиниши маҳаллий бошқарув тизимини рақамлаштириш, депутатлик назоратини кучайтириш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Натижада, маҳаллий даражадаги қарорлар ижроси устидан назорат механизми аниқ, тизимли ва самарали шаклга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур ислохотлар давлат бошқаруви тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, унинг фаолиятини очик, шаффоф, аниқ ва кутилган натижага йўналтирилган тарзда ташкил этишга хизмат қилмоқда. Қабул қилинган қонун ва қарорлар орқали бошқарув жараёнларида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, ҳисобдорлик ва масъулиятни ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнлар давлат тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаб, давлат хизматларини аҳоли эҳтиёжларига мос равишда йўналтириш учун мустаҳкам асос яратиши шубҳасиз.

**Инобат ҲАКИМОВА,**  
“Тараққиёт стратегияси”  
маркази бош мутахассиси



# «ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ»

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Яратилаётган бошқа қонунлар конституциявий меъёрларга асосланади, меъёрий ҳужжатлар ҳам шу асосда ишлаб чиқилади. Бош қомусимизда жамият ва давлат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар берилганлиги билан ҳам янада аҳамиятлидир.

Конституциямиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим асосидир. Унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгу шуурида Ватанга садоқат, қонунларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган учрашув, давра суҳбати, очиқ мулоқот ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар юксак самаралар бермоқда. Конституциямиз миллатидан қатъи назар, барча ўзбек халқи, фуқаросининг бутун бир имконияти ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган бўлиб, ҳали узок йиллар давомида янги Ўзбекистоннинг бахтли ва келажаги буюк авлодлари учун ҳам муносиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги конституциявий ўзгаришлар мазмун-моҳиятини мухтасар таҳлил этадиган бўлсак, мазкур жараёнда халқнинг кенг иштироки - конституциявий ислохотларнинг биринчи ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Конституциявий қонун лойиҳаси Янги Ўзбекистонни қуриш, мамлакатимизда инсон кадрини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозим, Конституциямиздаги моддалар 128 тадан 155 тага кўпайди ва унга турли йўна-

лишларда ўзгартиришлар киритилиб, инсон эрки, кадр-қиммати асос қилиб олинди. Чунки, инсон эркин бўлиб, бу дунёга келар экан, демак эркин яшаши лозим. Ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати бўлиши, давлат ва жамият эса бунга шароит яратиб бериши керак.

Янгиланган Конституцияда айбсизлик презумцияси, уй-жой дахл-



**Конституциямиз миллатидан қатъи назар, барча ўзбек халқи, фуқаросининг бутун бир имконияти ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган бўлиб, ҳали узок йиллар давомида янги Ўзбекистоннинг бахтли ва келажаги буюк авлодлари учун ҳам муносиб хизмат қилади.**

сизлиги, қонунда чекланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш эркинлиги, ишсизликдан ҳимояланиш каби нормалар киритилди.

Янгиланган Конституциямизда халқимизнинг 60 фоиздан ортиғини ташкил қилувчи ёшларга берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлашимиз зарур. Ёшларнинг таълим олиши, уй-жойли бўлиши, тиббий ва ижтимоий ҳимояси, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш дав-



чоралари қонуний мақсадга эришиш учун муносиб, етарли бўлиши кераклиги қайд этилган. Албатта, ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширилишида масъулиятини шакллантиради.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, болалар, ёшлар ҳуқуқларига оид масалаларга бағишланган кафолатларнинг кучайтирилганлиги ҳам давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда замин яратади.

Давлат ҳокимиятини ташкил этиш асослари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг мақоми, ўзаро муносабатлари тубдан такомиллашди. Давлат ҳокимиятининг олий органлари ўртасидаги баланс, мувозанат кучайтирилди.


Халқимизнинг, эксперт ва мутахассисларнинг таклифлари, халқаро, хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда тайёрланган Конституциямиз халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши табиий.

**Севара ИШМУРАТОВА,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий маркази Умумий бўлим**  
**бошлиғи**

латнинг конституциявий мажбурияти экани белгиланган. Қувонарлиси, Бош қомусимизда ёшлар учун алоҳида боб ажратилган.

Мазкур бобда давлатнинг мажбурияти сифатида ёшларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш бўлса, ота-оналарнинг мажбурияти сифатида эса фарзандлари вояга еттунига қадар нафақат боқиш, тарбиялаш, балки уларнинг таълим олиши, соғлом ва ҳар томонлама камол топиши учун ғамхўрлик қилиши белгиланди. Бу эса ўз навбатида ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун имконият яратилди.

Бундан ташқари, мазкур конституциявий қонун инсон ҳуқуқ, эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланган. Инсон ҳамда давлат органлари ўртасида юзага келади-ган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир



# ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ ЯШАШ ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИДИР



**Тарихан кишилик жамияти ривожланиб бораркан, муваффақиятлар қўлга киритилишида адолат тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Адолат устувор бўлган жамиятда эса барча соҳалар равнақ топади.**

**Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда адолат принципларини таъминлаш, кишилар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи, тенг ҳуқуқлилик ва бағрикенглик тамойилларига риоя этилишини кафолатловчи бош қомусимиздир.**

Инсоннинг кулай атроф-муҳитга эга бўлиши, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бугунги куннинг ғоят муҳим масалаларидан бири саналади.

Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани сабабли экологик масалалар Асосий қонунимиздан ўрин олган.

Жумладан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида, 49, 62, 66, 68, 115-моддаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган бўлиб, 49-моддасига мувофиқ, ҳар ким кулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги билан бирга, Конституциянинг 62 ва 68-моддаларда фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти ҳамда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Янгиланган Конституциямизнинг 49-моддасида Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар қўриши мустаҳкамланди. Аҳамиятлиси, янги таҳрирдаги Конституцияда ушбу норманинг киритилгани минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитларини яратиш ва уларнинг турмуш даражасини сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилиши тайин.

Шунингдек, мазкур норма мамлакат аҳолиси ва келажак авлод учун кулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, аҳоли яшаши ва меҳнат қилиши учун кулай атроф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини яратади.

Эътиборлиси, янги таҳрирдаги қомусимизнинг 49-моддасига асосан мамлакат аҳолисининг кулай атроф-муҳитда яшашга қонуна ҳақли эканлиги, давлатнинг экологик ҳуқуқларни таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши, барқарор ривожланиш принципага мувофиқ

атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши ҳамда Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар қўриши қатъий белгиланди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастурида эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш бўйича белгиланган мақсадларда, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйиш, экология соҳасида сақланиб қолган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш механизмларини кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Сир эмаски, бугун дунё микёсида экологик мувозанатнинг бузилиши – атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, йирик ўрмонзорларнинг йўқолиб бораётганлиги, катта шаҳарларда қурилишлар жараёнида дарахтларни шафқатсизларча кесиш, сув манбаларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш ва ифлослантириш, ер ресурсларидан нооқилона фойдаланиш ҳамда

Қизил китобга киритилган ноёб ҳайвонлар, қушларни қонунга зид равишда овлаш ва ўсимликларни йўқолиши, афсуски, аксарият ҳолларда инсон омили таъсирида юз бермоқда. Бу каби долзарб экологик муаммолар ҳисобга олинса, табиатни муҳофаза қилиш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчи эканлиги ойдинлашади.

Шу билан бирга, Конституцияга киритилган 66-моддада мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши, тасарруф этиши, мол-мулкдан фойдаланишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги белгиланганлиги фуқароларнинг табиатга нисбатан муносабатини ижобий жиҳатдан ўзгаришига замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи органларнинг ҳудудлар табиий шароитидан келиб чиқиб, туман ва шаҳарларни экологик жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишига оид норма киритилгани табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ижросида муҳим кафолат бўлди.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Конституциямизда экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича илгари сурилган ҳуқуқий кафолатлар бу борадаги ислохотларни изчил амалга оширишда муҳим дастурул амал бўлмоқда. Айнан янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг узвий давоми сифатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш соҳаларига оид бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг қабул қилинган ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.

Жумладан, жорий йилнинг 18 ва 24 ноябрь кунлари экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларида белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, мазкур йўналишдаги давлат бошқарувини ва назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 1 та қарори қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрь куни қабул қилинган “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришларини олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш имкониятларини янада кенгайтириши билан аҳамиятли бўлди.

Фармонга қўра, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги негизида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилиб, унга кулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, ўрмонларни қўпайтириш, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва чўлланлишга қарши курашиш соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи қилиб белгиланди.

Қўмитага асосий вазифаларидан ташқари, “Чикиндилардан ҳоли ҳудуд”, “Тоза ҳаво, “Яшил макон”, “Эко-маданият ва “Биомерос” умуммиллий лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжатлар билан мамлакатимизда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, экологик муаммоларга барҳам бериш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш каби долзарб масалаларда ислохотларни амалга оширилиши камраб олинди ва белгиланган устувор вазифалар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Маълумки, табиатни асраб-авайлаш,

уни муҳофаза қилиш кишидан ҳар томонлама билимга эга бўлишни талаб этади. Шу ўринда мамлакатимизда ҳам ҳар томонлама билимли экологлар мутахассисларга бўлган талаб нечоғли муҳим эканлигини билиш мумкин.

Ушбу жиҳатлар инobatга олиниб, “Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорнинг қабул қилингани юртимизда экологик, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар, раҳбарлар ва тадбиркорларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини яратмоқда.

Қарорда белгилангани каби келгусида ушбу университетда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасининг муҳим экологик, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар, раҳбарлар ва тадбиркорларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни бошқариш ва барқарор ривожланиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро инновацион тизимларни қўллаб-қувватлаш учун янги билимларни татбиқ этади, жаҳоннинг етакчи “яшил” университетлари томонидан қўлланиладиган илгор таълим дастурлари, инновацион педагогик услуб ва технологияларни ишлаб чиқиб, мослаштиради ва жорий этади.

“Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан 2026 йилнинг 1 мартига қадар Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш ва уни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилиб, унга 7 та йўналишда муаммоларни бартараф қилиш, шунингдек экологик вазият мураккаблашган ҳолларда уни яхшилашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш бўйича вазифалар юклатилди. Махсус комиссияга 11 та йўналишда чекловлар белгилаш, объектлар фаолиятини, қурилиш ишларини вақтинчалик ёки тўлиқ тўхтатиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатлар берилди.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонуналарга амал қилинишини таъминлаш давлатнинг Конституцияда белгиланган асосий вазифаларидан бири бўлиб, Асосий Қомусимиз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, ишончли кафолат ҳамда барқарор иқтисодиёт ва ижтимоий кафолатларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

**Содиржон ЖАКБАРОВ,**  
Экология ва иқлим ўзгариши  
миллий қўмитаси бош мутахассиси



# «Ёшлар ва сунъий интеллект: ЯНГИЧА ТАФАККУР САРИ ҲАРАКАТ»

**Бугунги кунда дунё технологик тараққиётнинг шиддатли даврида яшамокда. Жаҳон тез суръатларда рақамлашмоқда, сунъий интеллект эса нафақат ишлаб чиқариш ёки илмий тадқиқотларда, балки ижтимоий ҳаёт, таълим, маданият ва сиёсатда ҳам янги босқични бошлаб берди.**

Тадқиқотларга кўра, 2024 йилда глобал сунъий интеллект бозори харажатлари 233 миллиард доллардан ошди ва бу кўрсаткич йил сайин ортмоқда. Хусусан, Шимолий Америка ва Осиё мамлакатлари бу соҳада етакчилик қилмоқда. Жанубий Корея, Сингапур ва Хитой таълим тизимида сунъий интеллект фанини жорий этиб, ёшларни илғор билимлар билан таъминламоқда. АҚШда эса сунъий интеллект соҳасидаги стартаплар учун давлат томонидан катта миқдорда грантлар ва сармоялар ажратилмоқда. Сунъий интеллект технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Бундай алгоритмлар маркетинг, молиявий хизматлар ва чакана савдодан тортиб тиббиёт, ишлаб чиқариш ва IT гача бўлган турли соҳаларда қўлланилмоқда.

Ёшлар эса бу жараённинг марказида турибди. Чунки улар янги технологияларни тез ўзлаштириш қобилиятига эга, инновацияларга очик ва замонавий муаммоларга янги ечимлар таклиф эта оладиган авлоддир. Сунъий интеллект улар учун фақат техник имконият эмас, балки янги тафаккур, янги дунёқараш ва келажак сари олиб боровчи кучдир. Бугунги ёшлар сунъий интеллектни фақат билиш воситаси сифатида эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиш, стартаплар яратиш, таълим сифатини ошириш ва илмий излашлар олиб боришда асосий омил сифатида қўлламоқда. Технологиялар тараққий этган жамиятда ёшлар уни бошқаришни ўрганса, келажак қўлларимиздадир. Зеро, ақлни технология билан уйғунлаштириш — ҳақиқий ҳаракатни бошлаш демакдир.

Ёшлар ҳаракати ва сунъий интеллект ўртасидаги ўзаро алоқада ижтимоий масъулият ва ахлоқий масалалар ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ёшлар сунъий интеллектни фойдали ва хавфсиз йўлларда қўллашни ўрганишлари, унинг салбий оқибатларидан ҳимояланишлари зарур. Бу эса ёшлар хара-

катининг фақат технологияларни ўзлаштириш эмас, балки уларни инсоният манфаатига хизмат қиладиган йўналишда ривожлантиришни ҳам назарда тутиши кераклигини кўрсатади. Шунингдек, ёшлар сиёсати ва сунъий интеллект мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Ақлли технологиялар хавфсизлик соҳасида янги усуллар яратиш, киберхавфсизликни таъминлаш ва давлатнинг стратегик манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Ёшларнинг ушбу технологияларни тушунишлари ва ривожлантиришлари мамлакатнинг келажакдаги хавфсизлик салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Сунъий интеллект ва ёшлар ҳаракати ўртасидаги ўзаро алоқа катта имкониятларни тақдим этса-да, бу йўналишда баъзи муаммолар ва хатарлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга эътибор қаратиш зарур. Масалан, ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларнинг бузилиши, ёлғон маълумотлар тарқалиши ёки айрим касбларнинг автоматлаштирилиши ёшлар учун янги чақириқлар яратади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳисоботларига кўра, 2030 йилга бориб дунёдаги айрим анъанавий касбларнинг 20 фоизга яқини сунъий интеллект технологиялари томонидан тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин. Бу эса ёшлар ўртасида ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик хавфини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ёшлар нафақат технологияларни ўзлаштириши, балки улардан фойдали ва хавфсиз йўлларда фойдаланишни ўрганишлари шарт.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, сунъий интеллектни эрта босқичда таълим тизимида киритган давлатлар рақобатда илгариларди. Масалан, Сингапурда мактаб ўқувчилари учун сунъий интеллект ва робототехника бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Жанубий Кореяда эса ҳар бир университетда сунъий интеллект марказлари очилиб, талабаларнинг

65 фоизи ушбу йўналишда билим олиш имкониятига эга. Европа Иттифоқи мамлакатларида сунъий интеллект этикаси ва ахборот хавфсизлиги бўйича қонунчилик асослари яратилган ва бу соҳада ёшларнинг билим олишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ушбу тажрибаларни ўрганиб, миллий дастурларга мослаштириш долзарб аҳамиятга эга. Мактаб ва университетларда сунъий интеллект асослари фанини жорий этиш, ёшлар стартапларини давлат грантлари ва хусусий сармоялар ёрдамида қўллаб-қувватлаш, ахборот хавфсизлиги ва сунъий интеллект этикаси бўйича курслар ташкил этиш шулар жумласидандир. Шу билан бирга, ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, уларни янги технологиялар билан қуроллантириш мамлакатнинг келажакдаги илмий-технологик салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Энг муҳими, сунъий интеллект соҳасида Ахлоқ кодекси қабул қилиниши лозим. Бу кодекс сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллашда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши, ахборот хавфсизлиги, маълумотлар махфийлиги, тенг имкониятлар ва дискриминациянинг олдини олиш каби асосий тамойилларни белгилайди. Ахлоқ кодекси ёшларнинг бу технологиялардан масъулият билан фойдаланишини таъминлайди, уларнинг ахлоқий онгини шакллантиради ва ҳар қандай технология фойда келтириши билан бирга инсон кадр-қимматини ҳимоя қилишини кафолатлайди.

Масалан, Европа Иттифоқининг “AI Ethics Guidelines” — Сунъий интеллект этикаси бўйича тўпламида сунъий интеллект инсон ҳуқуқларига зид келмаслиги, шаффофлик ва жавобгарликни таъминлаш шартлиги катъий белгилаб қўйилган. АҚШда эса 2022 йилда “AI Bill of Rights” (АҚШ ҳукуматининг сунъий интеллектдан (СИ) ахлоқий, хавфсиз ва адолатли фойдаланиш бўйича тавсиялари тўплами) тўплами эълон қилиниб, фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва автоматлаштирилган қарорларнинг адолатлилигига алоҳида эътибор қаратилган. Японияда ҳам ахлоқий принциплар асосидаги

миллий стратегия ишлаб чиқилиб, у нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки фойдаланувчилар учун ҳам мажбурий тавсиялар сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ушбу тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда “СИ Ахлоқ кодекси” ишлаб чиқилиши ёшлар учун жуда муҳим, деб ўйлаймиз. Чунки кодекс нафақат сунъий интеллектни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, балки ёш авлодда рақамли масъулият ва ахлоқий тафаккурни шакллантиради. Ушбу кодекс ёрдамида ёшлар технологиялардан фақат ижобий мақсадларда фойдаланишни ўрганади, инсон кадр-қиммати, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва ахборот хавфсизлигини ҳурмат қилишга ўрганади.

Сунъий интеллект ва ёшлар сиёсати ўзаро узвий боғлиқ. Ёшлар мамлакат келажакни белгиладиган асосий куч бўлгани каби, сунъий интеллект ҳам келажак тараққиётини белгиладиган технологиядир. Шу сабабли бу икки йўналишни бирлаштириш стратегик аҳамият касб этади. Мактаб ва университетларда сунъий интеллект асослари фанини жорий этиш, Ёшлар учун АТ стартапларини қўллаб-қувватлаш дастурлари яратиш, сунъий интеллект этикаси бўйича оммавий маърифий ишлар олиб бориш, давлат идораларида ёшлар орқали АТ ечимларини синовдан ўтказиш, таълим тизимида “АТ ва рақамли иқтисодиёт” бўйича алоҳида йўналиш очиш бу соҳадаги ишларимизда янада каттароқ имконият эшикларини очади.

Сунъий интеллект — бу келажак технологияси, ёшлар эса ушбу келажакни қуришдаги асосий кучдир. Агар ёшларимизга бу соҳада чуқур билим олиш, унда фаол иштирок этиш ва масъулиятли равишда фойдаланиш имконияти яратилса, мамлакатнинг илмий-техникавий тараққиёти ва иқтисодий ривожини тўлиқ кафолатланган бўлади. Шунинг учун ёшлар ва сунъий интеллектни уйғун ривожлантириш — келажак тараққиётининг энг муҳим гаровидир.

**Хайрулла САТТАРОВ,**  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий кенгаши раиси



# ҚҶШНИСИНИ АЛДАБ...

Ўзгалар ишончига кириб алдаш жавобгарликка олиб келади. Сўнгги йилларда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар нисбатан кўпайган. Фикримизнинг исботи сифатида судда пойтахимизнинг Яккасарой туманида яшовчи Т.С.нинг иши кўриб чиқилганини келтиришимиз мумкин. У фирибгарлик ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айбланди.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганлар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларга субсидиялар ажратилапти. Ана шу имтиёз ва рағбатдан Т.С. ўзининг ниятида фойдаланмоқчи бўлиб, фуқаро Э.И.га имтиёзли асосда субсидия олиб бериш ниқоб остида электрон қалит расмийлаштирган. Гарчи у бошқа маҳаллада яшаса-да имтиёзли кредит ҳисобидан ўзини-ўзи иш билан таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорлик фаолият учун, дея 33.000.000 сўм кредит ажратиш мақсадида таниши орқали қалбаки тавсиянома тайёрлаган. Ана шу қалбаки тавсияномани Халқ банкининг Тошкент шаҳри филиалига электрон равишда ташлаган.

Сўнг Т.С. кредит ажратиш билан боғлиқ қалбаки ҳужжатларни Э.И.ни алдаб, имзо қўйдириб олган. Т.С.

қалбаки тавсиянома билан олинган 33.000.000 сўмни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Т.С. ўзининг жиноятини яшириш мақсадида банкка ҳамда ҳоким ёрдамчисига қалбаки электрон ҳисоб варақ-фактура тақдим қилган.

– Ноябрь ойи ўрталарида қўшнимиз Т.С. га субсидия эвазига компьютер ноутбук ва шунга ўхшаш техника маҳсулотлари берилаётганини айтдим, – деди суд мажлисида жабрланувчи Э.У. – Шу масалада ундан маслаҳат сўраганимда “ёрдам бераман”, – деди. Эртаси куни у билан маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси қабулига бордик. Ҳоким ёрдамчиси билан фақат Т.С. гаплашди. Мен кредит бўлса керак эмас, дедим. Шундан сўнг Т.С. яна маҳалла идорасига кириб кетди. Ким билан гаплашди, билмадим. Орадан бир неча кун ўтгач, телефон қилиб

қўлимга оддий ноутбукни берди. Яна бир куни телефон қилиб ўша ноутбукни сўради. Уйда турибди, дедим. Т.С. “уйда бўлиб тулинг, укангизнинг компьютерини олиб чиқиб тулинг, биз борамиз”, деди. У банк ходими билан келиб компьютер билан бизни суратга олиб, далолатномага имзо чекдик. Ҳатто у мени Давлат хизматлари марказига олиб бориб, электрон имзони олди. Ана шу электрон имзодан Т.С. фойдаланиб менинг номимдан 33.000.000 сўм кредит ечганлигини “СМС” хабаридан кейин билиб қолдим. Ҳозирда банкдан олинган кредитни Т.С. нинг ўзи тўлиқ қайтариб берди. Унга даъвоим йўқ...

Оқибатини ўйламай қўшнисига панд бериб, фирибгарлик ва бошқа жиноятларни содир этган. Т.С. суд томонидан айбли, деб топилди. Унга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Алишер ЖАЛИЛОВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича**  
**Яккасарой туман судининг**  
**раиси**

## МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим  
ўзгариши миллий  
қўмитаси

Ўзбекистон  
маҳаллалари  
уюшмаси

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати – Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси

## Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Камолиддин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Максуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1210  
Адади: 1600  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

## «ОКА, НАРХ ОШИБ КЕТДИ!»

Якшанба куни Малика бозоридан 2 та “Hofman” ҳаво тозалагич апаратини 150 доллардан сотиб олдим. Орадан душанба ўтиб, бугун яна бордим.

– Ўша матохингиздан яна битта беринг, – дедим.

– Ока, “Hofman” 250 доллар бўлди, – дейди.

– Ўтган куни 150 дан иккита олдим-ку!

– Ока, нарх ошиб кетди!

Ўша куни “Artel” 2 миллион 600 минг сўм эди.

– Унда “Artel” беринг, – дедим.

– “Artel” 300 доллар бўлди, – дейди.

Нега бизнинг устимизга ёмғир ёғмаслигини энди билдингизми? Шунақа... инсофини бўри еб кетган одамлармиз. Тагин 20 фоиз божхона тўловлари ҳам олиб ташланганмиш...

**Алишер НАЗАР**

## «ҲАМКАСБЛАРИДАН»

Бўрилар итни қувиб, уни ўраб олдилар – еб қўймоқчи эдилар. Ит ёлворди: ўлдирманглар, эвазига мен сизларга қўйларни қувлашда, овда ёрдам бераман, деди.

Бўрилар ўйлаб кўришди-да, итни тўдада қолдиришди. Икки йил давомида ит уларга ёрдам берди – ҳаммасини ўргатди, жойларни кўрсатди, бирга ов қилди...

Бир йили очлик босган киш келди. Ов омадсиз кетди, бўрилар оч, умидсиз ҳолда. Нима қилиш керак? Ахири итни еб қўйишга қарор қилишди. Еб қўйишди. Суяқларини кўмишди. Қабрига ёзув қўйишди. Энди ўйлашапти: кимдан деб ёзамиз? «Дўстларидан» десак, еб қўйдик-ку, қаердан дўст бўламиз...

«Душманларидан» десак, икки йил бирга яшадик, ов қилдик, ҳеч кимнинг қўнгли синмади...

Ўйлашди-ўйлашди-да, шундай ёзишди:

«ҲАМКАСБЛАРИДАН».

Шунақа ҳамкасблардан асрасин.



МКВАНК

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик-тижорат банки  
жамоаси

*барча юрtdошларимизни яқинлашиб  
келаётган тарихий сана,*

**8 декабрь —  
Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси**

*қабул қилинган кун муносабати билан  
муборақбод этади. Жамоамиз сизларга сифатли  
хизмат кўрсатишдан манфаатдор.  
Хонадонингиз осойишта, дастурхонингиз тўкин,  
ҳаётингиз фаровон бўлсин.*

**Бош қомусимиз тараққиёт  
кафолати бўлиб қолаверсин!**

